
«Бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун чоралар қабул қилиш муҳим»

Шавкат Мирзиёев бугун Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

(<https://president.uz/uz/lists/view/3623>)???? Давлат раҳбарлари куни кеча «Чашма» чегараолди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун мукамал чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга оид мавжуд масалаларни тартибга солиш ҳамда амалий ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-коммуникация соҳаларида янги ўсиш нуқталарини аниқлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш юзасидан келишиб олинди.

???? Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қирғизистон Ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Чегарадош вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди.

2020-06-02 15:35:31